

**SCIENTIFIC AND THEORETICAL PROBLEMS OF DISTANCE
PEDAGOGY**

Kazakhboy Yuldosh

Doctor of Sciences, professor of University of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi

ABSTRACT

In the conditions of globalism, the whole of mankind is drawn to the DOM of progress and it is impossible to stay out of this process. All branches of human society life are doomed to be given the influence of development. In particular, the emergence of a person together with his level today, which means that the pedagogical activity that brought globalism into being also underwent radical changes. Distance education is the result of these evolutions. It was natural that distance learning would occur in conditions where the world was surrounded by a network of Information, Society became fully informed and Information reality prevailed over vital reality. Man has now become possible to socialize through information technology. But this process can become a pedagogical activity, giving the expected effect not only in the form of education, but also in the form of an indivisible trinity of education, training and upbringing. The article touches on the characters and dimensions of distance education.

Keywords: distance learning, virtual system, pedagogy, theoretical problem

INTRODUCTION

Илк одам билан бирга дунёга келиб инсониятнинг тараққиётидаги узлуксизликни таъминлаш омили бўлган педагогика ўзининг жуда узоқ тарихи давомида сон-саноксиз гоё ва қарашлар асосида тараққий этган. Илму фаннинг шиддат билан ривожланиши инсон ҳаётининг бошқа соҳаларида бўлгани сингари педагогик тармоқда ҳам олдинлари ҳаёл қилиб бўлмайдиган янги ҳодисаларни пайдо қилмоқда. Масофадан ўқитиш таълим амалиёти ва илмидаги ана шундай йўналиш ўлароқ юзага келди.

Миллий педагогик амалиётида “масофавий таълим”, “онлайн таълим” ёки “масофадан ўқитиш” тарзида турлича номланиб келаётган ушбу ҳодисани биз мақолада атай “масофавий педагогика” йўсинида қўлладикки, унинг изоҳи қуйироқда берилади. Маълумки, педагогика моҳиятан одамнинг борлиқни англаш, унинг моҳиятини тушуниб етиш, рухий-маънавий ва интеллектуал дунёсини бойитиб, ҳаётдан ўз ўрнини топишига ёрдам бериш сингари бир қатор залворли ижтимоий вазифаларни бажаради. Бугунги илм ва амалиётида гўё педагогикага унчалик алоқаси бўлмаган “масофавий таълим” тўғрисида фикр юритилиб, унинг самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида ёзилмоқда. Ваҳоланки, бу жараёнда педагогиканинг доимий моҳияти ўзгармаслиги керак. Бор-йўғи педагогик жараён ахборотлашиб, виртуал йўсинда уюштирила бошлади. Маълумки, педагогика фақат ўқитишдан иборат эмас, у, биринчи навбатда, тарбиялашни кўзда тутди.

Халқаро стандартлар асосида таснифланса, педагогик жараённинг а) **тарбия**; б) **таълим**; в) **ўқитиш** сингари ажралмас уч таркибий бирликдан иборатлиги маълум бўлади. Педагогик энциклопедияларда “**тарбия**” тушунчасига “...*шахсда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришига қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшашини таъминлаш учун зарур бўлган ақлий-жисмоний, бадиий-эстетик ва ахлоқий-маънавий хусусиятларни таркиб топтиришига йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндиси*” тарзида таъриф берилади [1. 331]. “**Таълим**” эса “*Шахснинг ақлий тараққиётини таъминлаш ниятида амалга ошириладиган дидактик тадбирлар тизими*” йўсинида изоҳланади [1. 345]. “**Ўқитиш**” тушунчаси “...*ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолияти натижасида ўқувчида муайян кўникмалар*

шакллантиришга қаратилган кечим” шаклида шарҳланган [1. 426.]. Шахсни такомиллаштиришга қаратилган жараённинг ҳар қандай кўриниши ана шу уч жиҳатни бирлаштирган ҳолдагина тўла маънодаги педагогик фаолиятга айланади. Масофавий таълим орқали ҳам таълим, ўқитиш ва тарбия сингари ана шу уч тушунча ҳисобга олиб иш кўрилсагина у тўла маънода педагогик фаолият саналади. Демак, масофавий педагогикада ҳам муайян шахсларга билим бериш ва уларда кўникма шакллантиришдан ташқари, эзгу маънавий сифатлар қарор топдириш, яъни тарбия ҳам кўзда тутилиши лозим [2. 322-329.].

Афсуски, кейинги вақтда педагогика илмида ҳам, амалиётида ҳам тарбия борасида декларатив гаплар кўп айтилаётгани ҳолда, у кўпинча таълимнинг соясида қолиб кетмоқда. Масофадан ўқитилаётган шахсларда эзгу маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топдириш қийинлиги, бу сифатларнинг қанчалик шакллантирилганини аниқлаш эса янада мушкул экани масофавий педагогиканинг энг оқсоқ жиҳати бўлиб қолмоқда. Ҳамонки, масофадан ўқитиш ҳам педагогик фаолиятнинг замон илгари сурган бир кўриниши экан ва таълимнинг бу шакли нафақат айни пайтлардаги сингари пандемия ёки ўзгача экстремал ҳолатларнинг оқибати, балки илм тараққиётининг табиий натижаси ўлароқ пайдо бўлган ва борган сари ривожланиб ҳамда такомиллашиб бораётган экан, тадқиқотчилар олдида бу ижтимоий-илмий феноменга доир қонуниятларни аниқлаш вазифаси долзарб бўлиб туради.

MAIN PART

Маълумки, шахсни ижтимоийлаштириш (социализация) педагогика илми ва амалиётининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шахсни ижтимоийлаштириш деганда жамият бағрида муайян миқдордаги билим, кўникма ва қадриятлар шаклида мавжуд бўлган ижтимоий тажрибанинг индивид томонидан ўзлаштирилиш кечими англашилади. Индивид ана шу тажрибаларни ўзлаштириб, қўллай бошлагандагина ҳаётдан ўз ўрнини топа олади. Шахснинг ижтимоийлашуви нафақат ижтимоий тажрибани ўзлаштириш, балки уларни ўз ҳаётида қўллаш босқичларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Ижтимоий тажрибани қўллаш даражаси шахсликнинг сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бундан ташқари, ижтимоийлашув педагогик фаолиятнинг муҳим механизми бўлмиш а) *идентификациялашув* (одам бўлиш); б) *индивидуаллашув* (индивид бўлиш); в) *персоналлашув* (шахс бўлиш) каби уч босқичли мослашув жараёни босиб ўтилишини ҳам кўзда тутуди [3. 72-74.].

Илк босқич бўлмиш идентификациялашувда одам “*биз*” тушунчасини ўзлаштиради ва у атрофини ўраб турганлар орасига сингишиб, эл қатори одамга айланади. Индивидуаллашув босқичида эса индивиднинг мустақиллашуви юз бериб, у ўзининг алоҳида яратик эканини англаб етади. Одамда “*биз*” тушунчасига муқобил сифатида “*мен*” деган қараш пайдо бўлади. Персоналлашув босқичида эса, индивид ўзининг ижтимоий ҳаётида олдинги икки босқичдаги сифатларни уйғунлаштиради, яъниким нимаки билган ва удалайдиган қирраларни ҳаётга қўллайди. Шу йўсин ўзида шахслик сифатларини шакллантиради. Бу босқичда “*мен*” ва “*биз*” уйғунлашиб, шахс ўзининг бошқалар ва бошқаларнинг ўзи олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини ҳисобга ола билади [3. 76-79.].

Ижтимоийлашув дегани муайян миқдордаги билим, кўникма ва қадриятларни шунчаки ўзлаштириб олиш билан амалга ошмайди. Бу жараёнда шахс ҳамيشа муайян билим, кўникма ва қадриятлар орасидан ўзи учун муҳим кўринганини танлаш зарурият олдида туради. Бунинг натижасида шахсда а) билим, яъни ахборот тизими; б) кўникма, яъни амалиёт тизими; в) қадрият, яъни, йўналтирувчи, мотивация тизими шаклланади. Шахсда ижтимоий тажриба ана шу уч тизимни

уйғунлаштирган билимни узатиш ва ўзлаштириш, яъни ахборот олиш тажрибасини шакллантирувчи **таълим**; кўникмаларни узатиш ва ўзлаштириш, яъни амалда қўллаш тажрибасини шакллантирувчи **ўқитиш**; кадриятларни узатиш ва ўзлаштириш, яъни мотивацион тажрибани шакллантирувчи **тарбия** сингари уч педагогик фаолият натижасида қарор топади.

Шахснинг ижтимоийлашуви жараёни ўзгарувчан кечимдир. Негаки, тамаддунларнинг алмашуви маданиятларнинг ўзгариш ва янгиланишига, унинг ўзга кўринишлари юзага келиши ва жамият аъзоларига таъсир кўрсатишига асосланади. Бугунги педагогик жараёнлар моҳиятининг ўзгаришига сабаб бўлган замонавий ахборот технологияларнинг кўриниши бўлмиш масофавий педагогика ҳам шу сингари янгиланган маданий ва илмий қарашларнинг моддийлашган тизимидир.

Масофавий педагогик фаолиятнинг таркибий қисмлари бўлмиш масофавий таълим, ўқитиш ва тарбия замонавий жамиятдаги янги ижтимоий ҳодиса, ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури, махсус ижтимоий институт хусусиятларига эга мавжудликдир[4. 18-25.]. Шу боис масофавий педагогика ҳақида гапирганда, унинг кўп таркибли ҳамда кўп йўналишли ҳодиса экани ёдда тутилиши лозим.

Таъкидлаш керакки, педагогик фаолият масофадан кўрсатиладиган шароитда ижтимоий муносабатларни намоён қилишнинг энг муҳим шаклларида бири ахборот алмашиш жараёнининг максимал даражада компьютерлашуви юз беради. Педагогик фаолиятнинг субъекти ҳам, объекти ҳам, воситалари ҳам, шароитлари ҳам ахборот воситалари куршовида бўлади. Натижада одам ўзи учун тамомила янги бўлган ахборот реаллиги шароитида яшаш ва ривожланишга маҳқум этилади. Ҳаётий борлиқдан тубдан фарқ қиладиган ахборот реаллигининг мавжудлиги бундай реалликнинг белгисига айланади. Компьютерлашган ахборот реаллигининг ўзга ахборот реалликларидан фарқли жиҳати унинг таркибида турли интерфаол субъектларнинг мавжудлигида кўринади [5. 93].

Масофавий педагогик фаолият шахсни ижтимоийлаштиришнинг янгича воситаси сифатида унинг анъанавий шаклларига жиддий таркибий ўзгаришлар киритади. Компьютер тармоқлари томонидан яратилган ахборот объектлари шахснинг компьютер томонидан ҳосил қилинган ахборот майдонида ижтимоийлашганини, яъни ижтимоий тажрибани ахборот орқали олиш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконига эга бўлади.

Ҳар қандай илмий кечимда бўлгани каби масофавий педагогика пайдо бўлиши ва ривожланиши мобайнида ҳам муайян атамалар тизими вужудга келди. Лекин бу атамалар тизими ҳамиша ҳам асл моҳиятни тўлиқ ифодалашга хизмат қиладди, деб бўлмайди. Чунончи, “масофавий таълим” дейилганда фақат одамнинг ахборот тизимини шакллантириш кўзда тутиладими? Чиндан ҳам шундай бўлса, “масофадан ўқитиш” атамаси нимани англатади? Илмий адабиётларда деярли ҳамиша “масофавий таълим” ва “масофадан ўқитиш” атамалари синоним сўзлар сифатида ишлатилади [6. 60-64.].

Масофавий педагогик фаолиятнинг бугунги ҳолатига қараган кишида бу жараёнда тарбия ҳам кўзда тутиладими ёки йўқ деган савол туғилади. Маълумки, бевосита “ўқитувчи-ўқувчи” тизими амал қиладиган анъанавий ўқитиш жараёнида таълим, ўқитиш ва тарбия учлигининг узвийлиги анча ёрқин намоён бўлади. Педагог ўқувчиларига билимни бевосита бериш асносида уларда муайян кўникма ва маънавий сифатлар ҳам шакллантиради. Ҳатто бу жараён ихтиёрсиз равишда юз бериши ҳам мумкин. Ўқув материали масофавий педагогик тизим орқали узатилган ва ўзлаштирилган шароитда таълимдан ташқари, ўқитиш ва тарбия сингари муҳим педагогик тадбирлар қанчалик кўзда тутилади? Агар масофавий таълим орқали матнга кўчирилган ўқув материаллари узатиладиган бўлса, уларга ўқувчиларда муайян кўникма пайдо қилиш ва маънавий сифатлар шакллантиришга хизмат қиладиган

гоялар сингдирилиши мумкин. Аммо тинимсиз такомиллашиб бораётган ахборот технологиялари орқали ўқувчиларда ижтимоий тажрибани шакллантириш, педагогик жараёнларнинг барча босқичларини масофавий йўсинда амалга ошириш имконияти кенгайиб, сунъий ахборот муҳити тўлиғича табиий ҳаёт ўрнини босиб бораётган ҳозирги шароитда бу муаммони ҳал қилиш осон бўлмайди.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида, яъни маданий тизим ахборот реаллиги ва педагогик жараённинг масофавий шакли орқали шакллантириладиган шароитда ахборот маданияти, деб аталмиш янги реаллик юзага келади. Педагогикага доир тадқиқотларда ҳозирча масофавий педагогиканинг бу муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаётир. Педагогик жараённинг масофавий шаклидан фойдаланиш туфайли келиб чиқадиган турли ижтимоий ва руҳий муаммолар таҳлили амалга оширилаётгани йўқ. Бизда ҳозирча масофадан ўқитиш тўғрисида жуда умидбахш оҳангдагина гапирилаётир. *“Замонавий глобаллашув шароитида олий таълим соҳасидаги онлайн ўқитиш усуллари замонавий ахборот воситалари билан бойитилиши натижасида таълим сифатининг янада ортиши кутилмоқда. Бу борада масофавий ўқитиш усули ўқитувчи-педагог ва талабалар учун ҳам қатор қулайликларга эгаллиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир”*, - деб ёзади Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори Муҳаббат Ҳакимова “Олий таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари” мақоласида [7.]. Ваҳоланки, миллий педагогик амалиётга эндигина кириб келаётган тамомила янги тизим нафақат қулайликлар, балки бир қатор муаммолар ҳам юзага келтириши шубҳасиздир.

Масалага чуқурроқ назар ташланса, масофадан таълим бериш фақат билим беришдан иборат бўлмай, истеъмолчиларда кўникма уйғотиш, уларни тарбиялаш ва малака ҳосил қилиш сингари вазибаларни ҳам зиммасига олиши кераклиги аён бўлади. Шунингдек, масофавий таълимга шунчаки вақтинчалик ва мажбурий тадбир деб қараш янглишдир. Эндиликда таълимнинг бу шакли педагогик тажриба учун доимий амалиёт бўлиб қолиши аён. Негаки, дунёнинг кўпчилики мамлакатларида бу кечим аллақачон бошланган ва яхши натижа берапти. Масофадан туриб таълим бериш борган сари кўламдор бўлиб бораётган ва педагогик кечимнинг барча қирраларини ўз ичига ола бошлаганидан келиб чиқиб бу янги педагогик ҳодисани россиялик тадқиқотчилар: Л.К. Аверченко, Е.В. Грязнова, О.Ю. Скопинцева-Седаш, М.А. Таппасханова, И.Б. Шульга сингариларнинг қарашларига қўшилган ҳолда *масофавий педагогика* тарзида номлаш мақсадга мувофиқ [8. 93-98.]. Олимлар орасида ушбу янги ҳодисани электрон педагогика деб аташ тарафдорларни ҳам анчагина [9. 113-116.].

Ҳар қандай фан, биринчи навбатда, тизимлилик, изчиллик ва тушунчавий аппаратларга эгалликда намоён бўлади. Шу маънода масофавий педагогиканинг ҳам асосий ўлчамларини тайин этиш керак бўлади. Россиялик педагог олимлар: Е.В. Грязнова, О.Ю. Скопинцева-Седаш ўзларининг “Масофавий педагогика таълим фалсафасининг илмий йўналиши сифатида” мақолаларида бу педагогиканинг концептуал ўлчамлари қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлишини кўрсатадилар: *“а) предметология – ўз тадқиқот предметини аниқлаш ва асослаш; б) терминология – ўз тушунчалар аппаратини ишлаб чиқиш ва номлаш; в) методология – ўз илмий тадқиқот методларини белгилаш; г) номология – фанга доир қонуниятларни тайин қилиш; д) праксиология – ўзининг амалий аҳамиятга эгаллигини асослашини кўрсатувчи қонуниятларни тайин қилиш”* [6. 63]. Олимлар масофавий педагогика мана шу талабларга жавоб бергани учун илмнинг мустақил йўналиши сифатида мавжуд эканини таъкидлашади.

Юқорида олимлар томонидан келтирилган ўлчамларнинг ҳар бирини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Масофавий педагогиканинг **предметологияси**: а) масофавий таълим, ўқитиш ва тарбиянинг моҳияти, механизми ва шакллари; б) шахснинг ахборот воситасида ижтимоийлашуви; в) масофавий педагогик фаолиятда ижтимоий тажрибани шакллантириш ва узатиш қабилардан иборат бўлади.

Масофавий педагогиканинг **терминологияси**: а) масофавий таълим; б) масофадан ўқитиш; в) масофадан тарбиялаш; г) масофавий педагогик жараён; д) ахборот контенти ва б.к. атамаларни ўз ичига олади.

Масофавий педагогиканинг **методологияси**: а) масофавий педагогик фаолият орқали билим, кўникма, ва ахлоқий сифатларни шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш ва қўллаш; б) масофавий педагогик фаолиятнинг дидактик воситаларини тайёрлаш ва ишлатиш; в) масофавий педагогик фаолиятни амалга оширадиган ўқитувчилар, инженер ходимлар, ташкилотчиларни тайёрлаш; г) масофавий педагогик жараёнда шакллантирилиши керак бўлган компетенцияларни тайин қилиш ва б.к.лардан иборат.

Масофавий педагогиканинг **номологияси**: а) масофавий педагогик тизим билан ахборотларнинг ўзаро таъсири қонуни; б) ижтимоийлашув қонуниятининг масофавий шаклдаги ижтимоийлашув шароитида қўлланиши; в) масофавий педагогик жараённинг узлуксизлиги қонунияти; г) масофавий жараённинг илгарилаб кетиш тамойили; д) масофавий педагогикада шахс ривожланишининг даврийлик тамойили ва б.к.лардан таркиб топади.

Масофавий педагогиканинг **праксиологияси**: а) масофавий педагогик фаолиятни амалга ошириш муаммоси; б) масофавий педагогик жараённинг сифати муаммоси; в) масофавий ва анъанавий педагогик фаолиятларнинг ўзаро муносабати муаммоси; г) масофавий педагогика билан фаннинг ўзаро муносабати муаммоси; д) масофавий педагогик фаолиятни йўлга қўйиш ва дифференсациялаш муаммоси; е) масофавий педагогик фаолиятни инсонийлаштириш муаммоси ва б.к.ларга татбиқ этилишни кўзда тулади.

CONCLUSION

Мақола давомида билдирилган фикрлар қуйидагича хулосаларга келиш имконини беради:

1. Ахборотлашган жамият шахс ижтимоийлашувининг янги – ахборот ижтимоийлашуви турини пайдо қилди. Унда ижтимоий тажрибани узатиш ва ўзлаштириш ахборот технологиялари воситасида ахборот реаллиги шароитида амалга оширилмоқда.

2. Шахсни ижтимоийлаштиришнинг янги тури педагогик фаолиятнинг янги – масофавий турини талаб қилди ва ўқувчиларга масофадан таълим бериш, ўқитиш ва тарбиялашни бу педагогиканинг вазифалари қилиб белгилади.

3. Ахборотлашган жамиятда ижтимоий тажрибани узатиш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида масофавий педагогик фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари педагогик илм нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим.

4. Ушбу педагогик феномени текширишда масофавий педагогик фаолиятнинг амалий жиҳатига устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир.

5. Жамиятнинг ахборотлашуви кучайган шароитда тарбия, таълим ҳамда ўқитиш жараёнларини уйғунлаштириши лозимлигидан келиб чиқиб, юзага келган янги педагогик ҳодисани “масофавий

педагогика” тарзида аташ ва унинг педагогика илмидаги янгича йўналиш эканини қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбек педагогик энциклопедик сўзлиги. –Т.: “Print-Press”, 2014. 331-, 345-, 426-бетлар.
2. Аверченко Л.К. Дистанционная педагогика в обучении взрослых // Философия образования. 2011. №6. С. 322-329.
3. Грязнова Е.В., Матяева И.Л. Дистанционное образование в структуре общества знания // Социология власти. 2011. №7. С. 72-79.
4. Грязнова Е.В. Информационная социализация личности // Социология власти. 2010. №1. С. 18-25.
5. Грязнова Е.В., Матяева И.Л. Теоретические основы дистанционного образования: социально-философский подход. Н. Новгород: ННГАСУ, 2012. С. 93.
6. Е.В. Грязнова, О.Ю. Скопинцева-Седаш. Дистанционная педагогика как научное направление в философии образования. С. 60-64.
7. Ҳақимова М. “Олий таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари”.
<https://mininnovation.uz/uz/news/2054>